

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАШИНАСОЗЛИГИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ, АГРАР СЕКТОРНИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚўЛЛАБ-ҚУВВATЛАШГА ОИД ЧОРА-ТАДБИРЛАР Тўғрисида

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқариш саноатини ривожлантириш, экспортга мўлжалланган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш ва турларини кенгайтириш, шунингдек, аҳолини маҳаллий ишлаб чиқарилган техникалар билан таъминлаш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, маҳаллий қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртасида кооперация тизими йўлга қўйилмаганлиги, ишлаб чиқарилаётган техникаларда импорт қисмлари улушининг юқорилиги, аграр секторни техника билан таъминлашнинг барқарор тизими мавжуд эмаслиги, техникаларга сервис хизмати кўрсатишнинг тўлиқ йўлга қўйилмаганлиги ҳамда илм-фан билан ишлаб чиқаришнинг уйғунлашмаганлиги ушбу соҳага алоҳида эътибор қаратишни тақозо этмоқда.

Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тармоғини янада ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқариш жараёнини тўлиқ йўлга қўйиш, аграр секторни ҳудудларнинг табиий иқлим ва тупроқ шароитларига мос келадиган замонавий ва арзон қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлаш, шунингдек, соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини жорий этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги томонидан қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш даражасини **2021 йилда 60 фоизга етказиш бўйича ишлаб чиқилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар режаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги уч ой муддатда инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун салоҳиятли инвесторларни жалб қилиш ва ушбу лойиҳаларни **2021 йил якунига қадар ишга тушириш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга оширсин.**

Ушбу қарорнинг 1-илavasига мувофиқ тасдиқланаётган инвестиция лойиҳалари техник иқтисодий асосларини ишлаб чиқишга, истисно тариқасида, тендер ўтказмаган ҳолда саралаш танлови асосида лойиҳа институтлари ва инжиниринг компанияларини жалб қилишга рухсат берилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, "Ўзгиротехсаноатхолдинг" АЖ, "Асака" АТБнинг **"Металл буюмларни қуйиш замонавий цехини ишга тушириш" лойиҳасини** амалга оширишга ҳорижий тижорат банклари кредит линияларини жалб қилиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

"Ўзгиротехсаноатхолдинг" АЖ:

икки ой муддатда мазкур лойиҳанинг техник иқтисодий асослари етакчи лойиҳа институтлари ва инжиниринг компанияларини жалб қилган ҳолда ишлаб чиқишлигини;

лоийҳанинг **2020 йил октябрь ойига қадар** фойдаланишга топширилишини;

"Асака" АТБ билан биргаликда мазкур лойиҳанинг лойиҳа ҳужжатлари комплекс экспертизадан ўтказилишини таъминласин.

3. Қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқариш саноати ва бошқа саноат тармоқлари ўртасида кооперацияни амалга ошириш тавсия этилаётган маҳсулотлар рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигига мазкур рўйхатга ўзгариш киритиш ҳуқуқи берилсин.

4. Қуйидагилар:

2019-2020 йилларда қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқариш соҳасини янада ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури 3-иловага мувофиқ;

Қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жадаллаштириш бўйича ишчи гуруҳи (кейинги ўринларда Ишчи гуруҳи деб юритилади) таркиби 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ишчи гуруҳи (Н. С. Отажонов):

мазкур қарорда назарда тутилган чора-тадбирларнинг сўзсиз бажарилишини мувофиқлаштириш ва назорат қилишни;

мазкур қарор ижроси тўғрисидаги маълумотларнинг ҳар 15 кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига кириштириш бажарилишини таъминласин.

Давоми 2-бетда ➡

МАНЗИЛЛАР ОБОД —

Давлат дастури — амалда

КўНГИЛЛАР ШОД

Истиқлол берган имкониятлар самараси ҳаётиимизнинг барча жабҳасида ўз аксини топмоқда, десак адашмаган бўламиз. Биргина қишлоқ жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларини олайлик. Айниқса, "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" Давлат дастурлари асосида ҳозир энг чекка ва олис манзилларда ҳам бекиёс ўзгаришлар, янгиланишлар рўй бермоқда.



Мустақкам инфратузилма, замонавий қулайликлар, мухташам иморату иншоотлар... Буларнинг ҳаммаси қишлоқларимизнинг шаҳарларга бўйлашиб бораётганидан далолат.

Бугун Қуйичирчиқ туманидаги "Сурум" ва "Сергели" маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳам чинакам бунёдкорлик майдонига айланган.

Маҳаллаларда олиб борилаётган қизгин иш жараёнлари билан яқиндан танишиш мақсадида ушбу манзилларда бўлдик.

"Сурум" маҳалласида яхши янгилликларга дуч келдик. Маҳаллага қираверишдаги йўлга ётқизилган янги асфальт кўзни қувонтиради. Бу кўчадан бир ой олдин ўтганингизда борми "яма"ларнинг кўпли-

гидан ўзингиз ҳам, машинангиз ҳам яхшигина азият чекиши аниқ эди. Бундан ҳам ёмони, техникалар ўтганда уларнинг ортидан кўтарилган чанг атроф-муҳитни ифлослантириб, аҳоли саломатлигига салбий таъсир кўрсатаётганди.

Маҳалла раисининг сўзларига кўра, абгор ҳолга келиб қолган мазкур кўчани таъмирлаш ҳарака-

ти 2013 йилдан бошланган. Аниқроғи, ўтган давр мобайнида кўлаб жойларга мурожаат қилинган, лекин бирор натижа бўлмаган. Ниҳоят, бугун раван йўлларни кўриб, барча хурсанд. Ахир, ўйдим-чуқур кўчаларда юриш кимга ҳам ёкарди...

Давоми 6-бетда ➡



ФАОЛЛИК — БОШ МЕЗОН

Вилоятимизда "Аёллар ижтимоий ҳимояси — ижтимоий фаоллик пойдевори" мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди. Унда

Зангиота, Бўка туманидан ташриф буюрган фаол аёллар ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари мутахассислари иштирок этди.

Семинар

Хотин-қизлар кўмитаси томонидан "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ўзаро мувофиқлаштириш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, хотин-қизларнинг репродуктив саломатлиги ва иш билан банд-

лигини таъминлаш, тадбиркорликка жалб қилиш, шунингдек, оилаларда миллий қадриятларни янада мустаҳкамлаш, маҳаллаларда яшашган аёллар ҳаётига оид барча муаммоларни ҳамкорликда ҳал этишни самарали йўлга қўйиш ва тизимли ишлаш бўйича фикр-мулоҳазалар алмашилди ва тегишли тавсиялар берилди.

Шунингдек, йиғилиш иштирокчиларига мутахассис-

лар томонидан жойларда оилалар билан аниқ тақсимланган вазифалар асосида тўғридан-тўғри ишлашнинг замонавий усул ва услубларини татбиқ этиш ҳақида маълумот бериб ўтилди. Бу вазифаларни бажаришда "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази ҳудудий бўлиmlарининг ҳамкорлигидаги иштироки муҳимлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбир доирасида кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва ногиронлиги бор хотин-қизларга 106 та ногиронлик аравачаси, 85 та эшитиш мосламаси тақдим этилди. Шу билан бир қаторда "Оила" маркази, "Хотин-қизлар тадбиркорлик маркази" ва "Аёллар ижтимоий мослашув маркази" фаолияти билан танишилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э. Боситхонова иштирок этди.

Умидда МАМСУРОВА, "Оила" ИАТМ вилоят бошқармаси мутахассиси

Биз Қўқонга борамиз!

Аввал хабар берганимиздек, вилоятимизнинг халқ амалий санъати усталари шу йилнинг 10-15 сентябрь кунлари Қўқон шаҳрида бўлиб ўтадиган "International Festival of Handicrafters Kokand — 2019" халқроқ хунаромандлар фестивалига пухта тайёргарлик қўришмоқда.



ОҲАНГАРОН КАШТАСИННИНГ ОҲАНРАБОСИ

Асрлар давомида каштачилик Ўзбекистон халқ амалий санъатининг ажралмас қисми бўлиб келган. Бетакор шарқона безаклар билан турли хил уй жиҳозлари ва анжомларига чирой берилган. Ғушанга деворларига сирли нафосат бахш этадиган паллақлар ва гиламчалар, дастурхонлар ва бешиқлар учун битилган чойшаблар шулар жумласидандир. Шарқона гуллар турли хил уй жиҳозларидан тортиб эркак ва аёлларнинг либосларига, сандиқларга ва ҳаттоки, пойабзалга ҳам ўзгача нафислик беради.

Давоми 6-бетда ➡

Яқин қўшничилик

БИР ДАРАХТНИНГ ИЛДИЗЛАРИМИЗ



Тарихий муштараклик ва яқин қўшничилик, қавм-қариндошлик, қудда-андачилик муносабатлари ўзбек ва қозоқ халқларини азалдан бирлаштириб келади.

Дарҳақиқат, биз бир даряхтнинг томирларимиз. Кўнглимиз бир, тилак ва орзуларимиз муштарак. Осмонимиз, тупроғимиз туташ.

Бу яқинлик ришталари, айниқса, сўнгги йилларда янада мустаҳкамланмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти Нурсултон Назарбаев томонидан 2017 йилда ўзаро олий даражадаги мулоқотлар якунида 2018 йилда Қозоғистонда Ўзбекистон йили ва 2019 йилда Ўзбекистонда Қозоғистон йилини ўтказишга келишиб олинган эди.

Давоми 2-бетда ➡

Шуқуҳ

БАХТИЁРЛИК СИМФОНИЯСИ

Бугун халқимиз энг улуг, энг азиз байрам шуқуҳи билан яшамокда. Улкан саноат корхоналаридан тортиб, янги очилган цехларгача, қадок қўллар билан халқ рисқини яратаётган фермерлар далаларидан тортиб, қишлоқ ва шаҳарларимизда замонавий биноларни бунёд этаётган қурилиш объектларигача — ҳуллас, мамлакатимизнинг барча гўшаларида бунёдкорлик симфонияси янграётир.

Барча-барчамиз бир орзу, бир мақсад — мустақиллик байрамига муносиб совға билан бориш иштиёқидамиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма саккиз

йиллик байрамига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарори ва унда белгиланган вазифалар барча соҳалар қатори маънавиятчиларга ҳам катта масъулият юқлайди, албатта.

Давоми 6-бетда ➡

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАШИНАСОЗЛИГИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ, АГРАР СЕКТОРНИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ОИД ЧОРА-ТАДБИРЛАР Тўғрисида

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, "Ўзгиротехсаноатхолдинг" АЖ билан биргаликда уч ой муддатда етакчи хорижий консалтинг компаниясини жалб этган ҳолда, жумладан, қуйидагиларни назарда тутувчи **қишлоқ хўжалиги машинасозлиги соҳасини 2025 йилга қадар ривожлантириш дастури**ни ишлаб чиқсин; ишлаб чиқарилаётган мавжуд техника турларини оптималлаштириш ва **янги турдаги қишлоқ хўжалиги техникаларининг бюджет моделини ишлаб чиқаришни** йўлга қўйиш ҳамда республикада ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги техникалари учун **янги миллий "бренд"ни яратиш**;

боғдорчилик, мева-сабзавотчилик ва чорвачилик йўналишида техника турларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва умумий ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш;

ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган экспорт улушини ошириш бўйича "Йўл харитаси"ни тасдиқлаш ва **тайёр маҳсулот экспортини ишлаб чиқарилган маҳсулотга нисбатан 2022 йилда 20 фоизга, 2025 йилда эса 30 фоизга етказиш**;

замонавий корпоратив бошқариш усулларини, хусусан "ERP" автоматлаштирилган ҳисобга олиш, "GMS" ишлаб чиқаришни бошқариш ва "BIQ" сифатни бошқариш тизимларини **жорий этиш**;

қишлоқ хўжалиги учун **кичик механизация техникаларини ишлаб чиқаришни** ташкил этиш;

машина-трактор паркларининг мавжуд техникалари ва бўш турган ер майдонларини оптималлаштириш ҳамда уларни **асосан таъмирлаш ва сервис хизматлари кўрсатишга ихтисослаштириш**.

6. Қишлоқ хўжалигини механизациялашни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қуйидаги тартиби жорий этилсин:

2019-2021 йилларда қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан маҳаллийлаштириш даражаси 20 фоиздан кам бўлмаган ҳолда республикада ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги техникалари харид қилинганида **техника нархининг 15 фоизини миқдоридида субсидия бериш**; қўмбайнларни хорижда хизмат кўрсатиш (хизматлар экспорт) учун ташқи транспорт харажатларининг **80 фоизини компенсация қилиш**.

7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги бир ой муддатда мазкур қарорнинг 6-бандида назарда тутилган давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга оши-

риш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бир ой муддатда:

маҳаллий қишлоқ хўжалиги техникалари харидларини кредитлаш ва уларни лизингга бериш тизимини такомиллаштириш мақсадида миллий валютада тижорат банкларига **50 миллион АҚШ доллари** эквивалентида маблағларни жойлаштирсин ва самарали ўзлаштириш чораларини кўрсин;

мазкур қарорнинг 6-бандида назарда тутилган тадбирларни молиялаштириш учун **2019 йил учун 60 миллиард сўм, кейинги йилларда эса талабга мувофиқ** зарур маблағларни йўналтирсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ва Агротехсаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги:

2019-2020 йилларда имтиёзли кредит линиялари ҳисобидан эквиваленти **60 миллион АҚШ доллари** миқдоридида миллий валютанинг тижорат банклари орасида уларнинг буюртманомалари асосида маҳаллий қишлоқ хўжалиги техникаларини харид қилишни молиялаштириш учун ажратилишини;

икки ой муддатда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига зарур техникаларни лизинг орқали етказиб бериш тизимини такомиллаштириш юзасидан паст фоизли хорижий кредит ресурсларини жалб қилган ҳолда аниқ чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқилишини таъминласин. Бунда барча лизинг корхоналари учун тенг рақобат муҳити яратилиши таъминлансин.

10. "Асак" АТБ ва "Агробанк" АТБнинг маҳаллий қишлоқ хўжалиги техникаларини лизинг ва кредитга олишни молиялаштириш учун **60 миллион АҚШ доллари** миқдоридида халқаро молия институтлари ва хорижий тижорат банклари-нинг имтиёзли кредит линияларини жалб этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

11. Қишлоқ хўжалигини механизациялаш, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланиш ва техник сервис йўналишлари бўйича **олий таълим муассасаларига бириктириладиган касб-хунар коллежлари** рўйхати 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилаб қўйилсинки, мазкур касб-хунар коллежларида:

қишлоқ хўжалигини механизациялаш, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланиш ва техник сервис йўналишлари

бўйича ходимлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш марказлари иш беву-чиларнинг буюртмалари асосида Ўзбекистон Республикаси Бандликка қўмакла-шиш давлат жамғармаси ҳисобидан таш-кил этилади. Бунда ходим аҳоли банд-лигига қўмаклашиш марказлари йўллан-маси асосида ишга қабул қилинган бўли-ши лозим;

кадрлар тайёрлаш касблар ва мутахас-сисликларнинг мураккаблигидан келиб чиққан ҳолда 2 йилгача муддатда кундуз-ги, кечки ва сиртки таълим шаклларида амалга оширилади;

мазкур қарор билан касб-хунар коллеж-ларига бириктирилган олий таълим му-ассасалари "Ўзгиротехсаноатхолдинг" АЖ тизим корхоналари билан биргалик-да тегишли касб-хунар коллежларига методик ёрдам кўрсатилишини ҳамда касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўрта-сида келгуси фаолиятини давом эттириш юзасидан касбга йўналтириш ишларини тизимли равишда ташкил этади;

кадрлар тайёрлаш бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжа-лиги вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таъ-лим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат му-носабатлари вазирлиги томонидан ман-фаатдор иш бевучилар билан биргалик-да ҳар йили 1 мартга қадар қишлоқ хўжа-лигини механизациялаш, қишлоқ хўжали-ги машинасозлиги ҳамда қишлоқ хўжа-лиги техникаларидан фойдаланиш ва техник сервис йўналишлари бўйича кадрларга бўлган эҳтиёжларни аниқлаш орқали шакллантиради.

12. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисо-дий ва саноат вазирлигининг қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжа-лигини механизациялаш муҳандислари институти, Тошкент давлат техника уни-верситети, Тошкент шаҳридаги Турин по-литехника университети ва Тошкент ав-томобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институтининг соҳага оид тегишли **кафедралари филиал-ларини "Ўзгиротехсаноатхолдинг" АЖ тизим корхоналарида ташкил этиш**;

"Ўзгиротехсаноатхолдинг" АЖ тизим корхоналарида камида 5 йил иш стажи-га эга бўлган фуқароларни қишлоқ хўжа-лигини механизациялаш, қишлоқ хўжали-ги машинасозлиги ҳамда қишлоқ хўжа-лиги техникаларидан фойдаланиш ва техник сервис йўналишлари бўйича олий таълим муассасаларига **сиртки ва кечки таълим шаклларида суҳбат натижаларига кўра табақалашти-рилган тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш**;

"Ўзгиротехсаноатхолдинг" АЖ тизим корхоналарининг раҳбарлик лавозимла-

рига, шу жумладан, Ўзбекистон Респу-бликаси Олий ва ўрта махсус таълим ва-зирлиги томонидан тавсия этиладиган **хорижий олий таълим муассасаси-ни тугатган ёки илмий даражага эга номзодлар орасидан танлов йўли билан лавозимга тайинлаш**;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг тавсияси-га мувофиқ "Ўзгиротехсаноатхолдинг" АЖ тизими корхоналарида лавозимга тайинланган **профессор-ўқитувчи-ларнинг олий таълим муассасаси-даги иш жойи ва ўртача ойлик иш ҳақини 2 йил давомида сақлаб қолиш**.

"Ўзгиротехсаноатхолдинг" АЖ ўзининг таркибига кирувчи корхоналарда талаба-лар дарс машғулотири ҳамда амалиёт ўтказиш учун аудиторияларнинг ташкил этилиши ва уларнинг дарсдан бўш вақт-ларида ишлашига шaroит яратилишини таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

бир ой муддатда "Ўзгиротехсаноатхол-динг" АЖ билан биргаликда қишлоқ хўжа-лиги машинасозлиги соҳасида кадрлар буюртмачилари таклифлари ва илғор хо-рижий тажриба асосида ўқув режа ва фан дастурларини қайта кўриб чиқсин ҳамда тасдиқласин;

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб хо-рижий давлатларнинг етакчи олий таъ-лим муассасалари билан биргаликда **икки томонлама диплом берила-диган қўшма дастурлар** асосида қишлоқ хўжалигини механизациялаш, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаларидан фой-даланиш ва техник сервис йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлашни йўлга қўйсин.

14. 2019 йил 1 сентябрдан шундай тар-тиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ қишлоқ хўжалигини механизациялаш, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланиш ва техник сервис йўналишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳ-камаси ҳузуридаги Мутахассисларни хо-рижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича **"Эл-юрт уми-ди" жамғармаси ҳисобидан**:

магистр, докторант, профессор-ўқитув-чи, илмий ходим ва соҳа муҳандис тех-ник ходимлари етакчи хорижий олий таъ-лим ва илмий-тадқиқот муассасаларига ўқиш ва малака ошириш учун юборила-ди;

икки томонлама диплом бериладиган қўшма дастур асосида тахсил олаётган иқтидорли бакалавр талабаларнинг хо-рижий олий таълим муассасасидаги ўқиш тўлов контракти тўлаб берилади.

15. Белгилансинки, "Ўзгиротехсаноат-

холдинг" АЖнинг ижро этувчи аппарати тузилмаси ва бошқарув ходимларининг умумий чекланган сонига акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан ўзгар-тириш киритилиши мумкин.

16. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги "Ўзстандарт" агент-лиги билан биргаликда бир ой муддат-да импорт қилинадиган ва янги ишлаб чиқариладиган қишлоқ хўжалиги техни-калари учун ўрнатилган техник талаблар-ни республиканинг тўпроқ-иқлим шароити ва халқаро стандартлар асосида та-комиллаштириш бўйича таклифларни Ва-зирлар Маҳкамасига киритсин.

17. Мазкур қарорни амалга оши-риш бўйича батафсил амалий тад-бирлар режаси 6-иловага мувофиқ тас-диқлансин.

18. "Ўзгиротехсаноатхолдинг" АЖ:

а) тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилган ҳолда:

2020 йил 1 мартга қадар **ички ва таш-қи бозорларда дилерлик тармоғи-ни кенгайтириш**;

маҳаллий қишлоқ хўжалиги техникала-рига хизмат кўрсатувчи зарур техника-лар билан жиҳозланган ва кўча хизмат кўрсатувчи **бешта минтақавий сер-вис марказларини** 2019 йил охирига-ча, қолган ҳудудларда 2021 йил 1 январ-га қадар ташкил этсин;

б) 2020 йилдан бошлаб қишлоқ хўжа-лиги маҳсулотларини етиштирувчилар ҳамда маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакилларини кенг жалб этган ҳолда "AgroMashExpo" қишлоқ хўжалиги техникалари **халқаро кўргаз-ма-савдосини ҳар йили икки ма-ротаба ўтказиш** амалиётини жорий эт-син;

в) "Ўзстандарт" агентлиги билан бир-галикда 2020 йил 1 мартга қадар эҳтиёт қисмлар ва бутловчи буюмларнинг хавф-сизлик ва сифат кўрсаткичларини таъ-минлайдиган намунавий тажриба дастур-ларини ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқла-син;

г) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшим-чалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

19. Мазкур қарорнинг ижросини назо-рат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Адми-нистрацияси раҳбари З. Ш. Низомидди-нов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 31 июль

◀ Бошланғич 1-бета

Ана шу эзгу ташаббусга мувофиқ, 2018 йил Қозоғистонда ўтказилган Ўзбекис-тон йилида мамлакатларимизро сиё-сий, савдо-иқтисодий, маданий-гумани-тар ва туризм алоқаларини ривожлан-тириш бўйича қатор тадбирлар ташкил-лаштилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 13 мартдаги қарорига мувофиқ, буюк қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоев ижодий меросини ўрганиш ва номини абадийлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Қозоғистонда буюк бобомиз Алишер Навоий таваллудининг 577 йиллиги кенг ни-шонланди. Бу йил албатта, юртимиз-да Қозоғистон йили доирасида ўтказилаётган маданий-маърифий тадбирлар қардош халқ би-лан узвий алоқаларимизни янада мус-таҳкамлашга бекиёс хизмат қилаётир.

Хусусан, мамлакатимизда Қозоғистон йили доирасида ҳар икки мамлакат санъ-ат, фан, таълим ва тадбиркорлик соҳа-лари вакилларининг борди-келдиси, яқин алоқаларни йўлга қўйиши, ўзаро тажриба алмашиши, ҳамкорлик қилиши учун янги уфқлар очилмоқда.

Шу кунларда мамлакатимизда бир гуруҳ қозоғистонлик қардошларимиз меҳмон бўлишмоқда. Ўқитувчилар, ну-рийлар, меҳнат фахрийлари, шифокор-лар ва бошқа соҳалар вакилларидан иборат қирқ кишилик делегация юр-тимиздаги тарихий обидалар билан яқин-дан танишиш мақсадида Бухоро, Самарқанд каби вилоятларга таширф буюришди. Пойтахтимиздаги бир қатор қадимжоларни зиёрат қилиш-ди. Саёҳат ва зиёратлардан олган таас-суротлари билан яқиндан танишиш мақ-садида уларнинг айримлари билан суҳ-батлашдик.

◀ Бошланғич 1-бета

Арсен ЯКУБОВ,
меҳнат фахрийси:

– Ўзбекистонга бундан тах-минан 20 йил илгари келган эдим. Очиғи, ўша даврдаги та-ассуротларим билан ҳозирги ҳаяжонларим орасида еру ос-монча фарк бор. Мамлакатин-гиз анча ўзгарибди. Ҳатто, пой-тахт – Тошкентни танимай қол-дим. Сўнгги икки-уч йилликда мамлакатда ижтимоий-иқтисо-

дий соҳаларда олиб борилаёт-ган ислохотларни ойнаи жаҳон орқали эшитиб, кўриб турар-дик. Бу ерга келиб, амин бўлдимки, тез орада Ўзбекис-тон бундан-да юксалади. Айниқ-са, охириги пайтларда нафақат пойтахт ва вилоят марказлари-да, балки мамлакатнинг чекка-чекка ҳудудларида ҳам изчил-лик билан бунёд этилаётган би-ноларни, иморатларни, кўпри-

гу йўлларни, уй-жойларни кўриб, жуда ҳайратландим.

Ўзим 40 йил ўқитувчилик қил-ганман. Албатта, Тошкент, Са-марқанд, Қарши, Бухоро, Нукус шаҳарларида 10-21 май кунла-ри "Қозоғистон таълими кунла-ри" кўргазмасининг ташкил этилгани таълим соҳасидаги алоқалар фаоллашиб бораётга-нидан дарак. Шунингдек, бугун-ги кунда малакали кадрлар тай-

ёрлашдаги ҳамкорликни мус-таҳкамлаш мақсадида олий таъ-лим тизимида ҳам тажрибалар алмашилмоқда. Тошкент фар-мацевтика ва Тошкент темир йўл муҳандислари институти каби қатор олий таълим муас-сасаларида Қозоғистоннинг етакчи университетлари про-фессор-ўқитувчилари иштиро-кида ўқув семинарлар ташкил этилгани айни муддао бўлди.

Мен ишлаган олий ўқув юрти-да қўллаб-қўзғатишчи талаба-лар ҳам бор. Гапинг индalloс-ини айтсам, улар анча тийрак, изланувчан ва билимга чанқоқ. Талабаларнинг ватанпарварлиги-га ўз фаолиятини давомида доим тан берганман.


Бугун Ўзбекистонда барча со-ҳаларда катта ўзгаришлар кетаяпти. Мени энг қувонтири-ни – ўқитувчи ва домлаларнинг ойлик маошлари кўтарилгани, уларга қулай шароитлар ярати-лаётгани бўлди. Ўйлайманки, бу ислохотлар тез орада ўз мева-сини беради.

золанган, ҳудудлар ўртасида икки томон-лама муносабатларни ривожлантириш бўйича 15 та келишувга эришилган эди.

Бу йил эса икки мамлакат савдо-иқти-содий алоқаларини янада кенгайтириш ва ўзаро товар айирбошлаш ҳажминини 5 миллиард АҚШ долларига етказиш ре-жалаштирилган. Бунда Ўзбекистонда Қозоғистон йили доирасида ташкил эти-лаётган қўшма бизнес-форумлар, замо-навий форматдаги музокаралар, янги ин-вестицион лойиҳалар алоҳида ўрин тут-ди, деб ўйлайман.

Бир сўз билан айтганда, ўзаро борди-келди ва манфаатли алоқаларнинг юксак самимият асосида юксалиб бораётгани мамлакатларимизнинг стратегик шерик-лик муносабатларини янада тараққий эт-тириш, янги ташаббусларни илгари су-риш, халқларимиз бирдамлигини мустаҳ-камлаш, минтақавий барқарорлиқни таъ-минлашдек муштарак мақсадларга хизмат қилувчи муҳим воқеалиқдир.

"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Ғуломжон МИРАҲМЕДОВ
ёзиб олди.



Қозоғистон ўртасида машинасозлик, электротехника, озиқ-овқат, транспорт ва логистика соҳаларида кооперацион дас-тур ва лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Ўтган йили Чимкентда ўтказилган Ўзбе-кистон – Қозоғистон биринчи ҳудудла-раро форумида қиймати 320 миллион АҚШ долларида зийёд шартномалар им-

Сир эмас, ўтган ҳафтадан бери ижтимоий тармоқларда "бузди-бузди"лар катта муҳокамаларга сабаб бўлмоқда. Айниқса, Қашқадарё вилоятининг Яққабоб туманидаги тадбиркор ҳамда ҳоким ўринбосари билан юз берган воқеа, Урганч шаҳридаги "снос" кетидан аҳоли норозилиги юзасидан барча ўз фикр-мулоҳазаларини билдираётган.

Узоққа боришга ҳолат йўқ — шу кунларда навқирон Нурафшон

йўли" концепцияси" доирасида амалга оширилаётган катта бунёдкорлик ишлари кўпчиликка маъқул. Хозирги кунга қадар кўча бўйлаб 8 та банк муассасасининг идоралари ва тураржой бинолари қад ростламоқда.

Хуллас, бир неча йилдан сўнг Нурафшонга келган киши адабиёт қилиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Лекин, айрим ҳолларда қуриш учун бузишга ҳам тўғри келади. "Кумариқ" ва "Тўйтепа" маҳал-

ларда ўғил-қизларимиз ишлаб, истиқомат қилиб, ҳаётидан мамнун яшашса — бизнинг ниятимиз шу.

— Уйимиз бузилгани билан кўчада қолганимиз йўқ, аксинча, яхшироқ қулайликларга эга янги уй сотиб олиш ниятимиз бор, — дейди Раҳматилла Султонов. — "Тошкент йўли" кўчасидаги уйимиз 200 млн. сўмдан ортиққа баҳолади. Хозирда "Кучлук"дан янги уй олиш ҳаракатида ҳужжат-

нидаги "снос"лар можароси оқибатида ҳоким ўринбосари ва тадбиркорнинг тўқнашувига, компенсация тўланмаган урганчликлар қалқилиши эса катта норозиликка сабаб бўлган эди.

Ўтган ҳафта аввалида Ўзбекистон Республикаси Президенти раислигида кичик бизнес ва тадбиркорликни янада ривожлантириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилган ва унда "Барча ҳокимларни қатъий огоҳлантираман — асосли зарурат бўлмаган ҳолда тадбиркорларга тегишли мол-мулкни бузишга умуман йўл қўйилмаслиги зарур ва шарт", деган эди давлатимиз раҳбари.

давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш эр эгасининг розилиги билан тегишли ҳоким ёки Ҳукумат қарорига кўра амалга оширилади. Ер участкасини олиб қўйиш ва уйлар ҳамда бошқа иморатлар, иншоотларни бузиш, доврахталарни кўчириб ташлаш тўғрисидаги қарор бош режаларга, тураржой массивларини режалаштириш ва иморат қуриш лойиҳаларига мувофиқ қабул қилинади. Олиб қўйилаётган ер участкаларида уйлар ва бошқа иморатлар, иншоотларнинг асоссиз бузилишига ва дов-дарахтларнинг кўчириб ташланишига йўл қўйилмайди.

Ўтган воқеа-ҳодисаларга кўплар қаторида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Русланбек Давлетов ҳам ўз муносабатини билдириб: "Битта жиҳатни эътиборга олинган — гап фақат моддий бойлик бўлиши иморатда эмас, уй-жой билан инсонларнинг шу уй билан боғлиқ хотиралари ҳам ўчирилади. Тўғилиб ўсган жой, ёшлиқда ўйнаб-қулиб юрган ҳовли, болаликдаги хотиралар, керак бўлса, ҳар бир хонадоннинг ҳиди инсон учун қадри, кўп уйлар авлоддан авлодга ўтиб келаяпти, бу юсак шахсий номоддий бойлик ва инсон ҳаётидаги ажралмас хотиралардир", деган эди вазирлиқнинг кенгайтирилган ҳайъат мажлисида.

Дарҳақиқат, Адлия вазирининг гапида жон бор. Ахир, Фармон-биби ҳам "Бу уйда раҳматли чолим Азимшернинг панжа излари шундоқ кўриниб туради. Бу уй бузилмайди, мен ҳам ҳеч қаерга жўлмайман", деб шунчаки айтмаганди-ку.

Инсоният кўп минг йиллик тарихни бошидан кечирган. Бошдан ўтказган савдолари ваҳидан-ки, қонун, қоида, меъёр, деган тушунчалар шаклланди.

Ҳар соҳада, ҳар ишда қонун ўз сўзини айтганидек, "бузди-бузди"ю "снос"ларда ҳам қонуний меъёрларга риоя қилиш керак.

Хатто "ақлли шаҳар"лар ҳам ақл билан қурилади.

Отабек ИСРОИЛОВ



«ЁШЛАР БОҒИ»:

БЕШ ТАШАББУС МУЖАССАМ

Оққўрғонда туман ҳокимлиги ташаббуси билан янги "Ёшлар боғи" ташкил этилмоқда. Бу ерда Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббуснинг барчаси мужассамлашади.

Туман марказида бир неча йиллардан буён қаровсиз ташлаб қўйилган эски боғ 11 нафар маҳаллий тадбиркор томонидан қайта барпо этилаёпти. Мазкур масканда ёшларнинг мусика, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишини ошириш ҳамда маданий ва маърифий тад-



бирлар ўтказиш учун 210 ўринли замонавий амфитеатр, уларни жисмоний чиниқтириш учун янги ёпиқ сузиш ҳавзаси, боулинг, теннис ва мини футбол майдончалари, компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этиш учун кворкинг маркази, интернет клуб, аҳоли ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш мақсадида 100 кишилик янги кутубхона, бир неча тақдир дўконлари ва мутолаа жойлари ташкил этилади. Шунингдек, ҳудудда барпо этилаётган замонавий тикув цехлари ўз фаолиятини бошлаётган, 160 нафар хотин-қиз доимий иш жойига эга бўлади.

— Бундан ташқари, "Ёшлар боғи"да мусикали фаввора, болалар учун 10 хилдан ортиқ аттракционлар, 5D форматдаги кинотеатр, ёш келин-куёв ва бошқалар учун фотосессия ўтказиш жойлари, музқаймоқ барлари, миллий ва европа таомлари тайёрланадиган ошхона-кафелар қурилиши режалаштирилган, — дейди "Ермулқадас" корхонаси туман филиали раҳбари Бахтиёр Мирзакаримов. — Мазкур боғнинг туман марказидан оқиб ўтувчи "Шамалак" канали атрофида экани ташриф буюрувчиларнинг баҳридиланини очади.


Шуни ҳам айтиш керакки, бу ерга келувчилар учун 50 дан ортиқ бог-курсилар, замонавий ёриткичлар ўрнатиш ҳам режалаштирилган.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири

Жараён

Кейинги икки-уч йил ичида мамлакатимизда "снос" сўзи шу даражада оммалашиб, ҳаммага бирдек тушунарли бўлиб қолдики, баъзан уни "Ўзбек тилининг изоҳли лугати"га киритса ҳам бўларкан, деб ўйлаб қолсан, киши...

"АҚЛЛИ ШАҲАР" ҲАМ ИНСОН АҚЛИ БИЛАН ҚУРИЛАДИ



шаҳри ҳам бу каби "бузди-бузди"лардан ҳоли эмас...

2017 йил августда собиқ Тўйтепа шаҳрининг номи Нурафшонга ўзгартирилиб, вилоят бўйсунувидидаги шаҳарга — Тошкент вилоятининг маъмурий марказига айланди. "Тошкент йўли" кўчаси, 130-уйда яшовчи Анна Ли. — Бизга маъқул тушган тарафи уйимиздан чиққан барча қурилиш молларини Нурафшон шаҳри ҳокимлиги ҳузуридаги Ободонлаштириш бўлимига топшириш имкони яратилганида. Ўз иштирокимиз билан рози бўлдим. Қисқа муддатда уйимиз ўрнида кўп қаватли иморатлар қад ростласа, шу би-

ларларидан ўтувчи "Тошкент йўли" кўчасида бир неча ҳафтадан буён хонадонлар бузилаётган. Хўш, бунга аҳолининг муносабати қандай?

— Уйимиз 140 млн. сўмга баҳолади, — дейди "Тўйтепа" маҳалласи, "Тошкент йўли" кўчаси, 130-уйда яшовчи Анна Ли. — Бизга маъқул тушган тарафи уйимиздан чиққан барча қурилиш молларини Нурафшон шаҳри ҳокимлиги ҳузуридаги Ободонлаштириш бўлимига топшириш имкони яратилганида. Ўз иштирокимиз билан рози бўлдим. Қисқа муддатда уйимиз ўрнида кўп қаватли иморатлар қад ростласа, шу би-

ларни расмийлаштираёلمиз.

— Уйи бузилган фуқаролар томонидан ўз ихтиёрига кўра топширилган қурилиш моллари кейинчалик кам таъминланган, ижтимоий ва моддий ёрдамга муҳтож нурафшонликларнинг хонадонларини таъмирлашда фойдаланилади, — дейди Нурафшон шаҳар ҳокимлиги бош мутахассиси Саид Раҳмонбердиев. — Нурафшонда биронта уй ҳам норозилик билан бузилмаёпти ва бузилмайди ҳам.

Дарвоқе, сўнгги вақтларда, айниқса, охириги ҳафтада кун мавзуси "снос" бўлиб қолди. Қашқадарё вилоятининг Яққабоб туман-

Ўтган ҳафта якунида эса Республика Бош вазирлиги раислигида ўтган видеоселекторда қонунчилик талабларига асосан компенсация тўланмаган ва олдиндан огоҳлантирилмаган турар ва нотураржойларни бузиш қатъий ман этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 29 майдаги "Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарорига биноан, ер участкасини

Гўза парваришида зарбдор 40 кунлик

Фермер хўжалигининг пахта даласига кириб борар эканман, мовий денгизни эслатувчи пайкалда ўз агрегатини моҳирлик билан бошқараётган механизатор Саидқабар Каримовга кўзим тушди. Шу пайт далага "Газ-31" автомашинасини ҳайдаб, Малик фермернинг ўзи ҳам келиб қолди.

— Сирдарёлик миришкорлар ва туманимиз ҳокимлигининг биз, пахтакорларга йўллаган Мурожаатлари айна мудоаа бўлди-да, — дейди фермер. — Кекса авлод суҳбатидан шу нарса маълумки, ҳар қандай ишга меҳр қўйиш учун кимнингдир даввати ҳам муҳим. Бу қўзланган марранни забт этишга ундайди. Биз ҳам Мурожаат матбуотда эълон қилиниши билан уни дала шийпонидида ишчиларимиз билан қайта-қайта ўқиб чиқдик ва ўзимизнинг 40 кунлик зарбдор режамизни белгилаб

олдик. Тўйга тўёна билан боришни ўзларига одат қилиб олган деҳқонларимиз Ватанимиз мустақиллигининг 28 йиллик тўйига ажойиб меҳнат совға-

хосил кўтариб, эл-юрт хирмонига барака киритдилар. Элёр Парпиев, Саидқабар Каримов ва Қосим Жаҳоновлар гўзаларни 4-

ригача яна камида 7-8 тадан бўлиқ кўсақлар қўшилишига эришамиз. Гўзалар тўлиқ чеканкадан чиқарилиб, далада бирорта бегона ўт кўрин-

ҳам кўриб ўтишга аҳд қилдик. Ховлисига қадам қўйганимиз, анвойи гуллар ва меваларнинг ёқимли ҳиди димоққа урилди. 10 сотихли ист-

ПАХТАКОРНИНГ ҚИЗҒИН ПАЛЛАСИ

Яхши инсонлар, кўпчиликка ўрнак одамлар тўғрисида ёзиш ҳамisha ҳузур бағишлайди. Шу боис, ана шундай ажойиб инсонлар, элим ва юртим деб астойдил меҳнат қилаётган фермерлардан бири ҳақида ёзишга аҳд қилдим. Оққўрғон тумани фермерлар кенгаши раиси Шавкат Мухторовнинг тавсиясига кўра, Навоий номи массивда фаолият олиб бораётган "Дўстлик" ордени нишондори Малик Каримов раҳбарлик қилаётган фермер хўжалиги даласига йўл олдим.

лари ҳозирлашни бошлаб юборишди. Пиллакорларимиз давлатга сарапилла етказиб бериш режаларини ортми билан бажардилар. Саидвали Баҳромов бошқарган галлакорларимиз 47 гектар майдондан 65 центнердан

марта қондириб суғориш билан бирга 2 марта минерал ўғитлар билан тўйинтирилган майдонларга шарбат оқизишди. Ҳозир гўзаларимизнинг ҳар тупида ўртача 6 тадан бўлиқ кўсақ бор. Зарбдор 40 кунлик охи-



масада, чопиқчилар Дилноза, Наргиза, Покиза, Замира ва Васила Каримовлар қўли қўлига тегмай меҳнат қилмоқдалар. Даладан бир олам қувонч билан қайтаётиб, Малик фермернинг тақлифи билан уй-жойларини

сиқхонада олдинги экинлар йиғиштириб олиниб, иккинчи ҳосил — помидор ва бодринг пилган, пешма-пеш бозорга чиқарилмоқда. Оғилда соғин сиғирлар, бўрдоқига боқилаётган ҳисори қўчқорлар, махсус жойларда боқилаётган қурқа ва товуқлар эътиборимизни тортди.

"Иш билганга минг танга", деб шунга айтишса керак. Файзли хонадонни тарқ етарканмиз, Малик Каримов каби ишбилармон фермерларимиз сафи кенгайверсин, деб ният қилдик.

Пардобой ЭРҒАШЕВ

МОҲИДИЛ — ТАНЛОВ ГОЛИБИ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма саккиз йиллиги муносабати билан анъанавий тарзда ўтказиладиган "Ишбилармон аёл" кўриктанловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.



"Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!" шиори остида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Касаба уюмлари Федерацияси ҳамда Ўзбекистон Фермерлар Кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этилган бу йилги танловнинг шаҳар ва туман босқичларида 350 нафардан зиёд тадбиркор, ишбилармон ва фермер аёллар иштирок этди. Шулардан 25 нафари танловнинг вилоят босқичига етиб келишди.

Танлов доирасида ташкил этилган кўргазмада тадбиркор, ишбилармон, ҳунарманд, фермер хотин-қизларнинг махсулотлари намойиш этилди.

Лойиҳа низомига мувофиқ, иштирокчиларнинг хотин-қизлар учун қанча қўшимча янги иш ўрни яратгани, фаолият туридан келиб чиқиб экспортга йўналтирилган ёки импорт ўрнини босувчи махсулот ишлаб чиқариши, аҳолига кўрсатётган хизматининг сифат даражаси ҳамда фаолиятида қўллаётган янги инновацион ғоялари баҳолаш чоғида эътиборга олинди.

Яқунда "Замонавий тадбиркор аёл портрети", "Йилнинг мурувватли ишбилармон аёли", "Кишлоқ инфратузилмасини ривожлантираётган фермер аёл", "Ташаббускор аёл" каби номинациялар голиблари аниқланди.

Оҳангаронлик тадбиркор Моҳидил Ашурова кўрик-танловнинг мутлақ голиби бўлди. 2-ўринни Шаҳзода Тулепова (Янгийўл шаҳри), 3-ўринни Дилдора Ҳамидова (Оққўрғон) қўлга киритишди.

Ўз мухбиримиз

Кези келганда шуни айтиш керакки, бугўйдон бўшаган майдонларга иккинчи экин сифатида ўсув даври нисбатан қисқа бўлган — тарик, соя, мош, фасоль, ловия, еренғоқ, маккажўхори, мойли кунгабоқар, кунжут, сабзавот экинларидан — помидор, қалампир, бақлажон, сабзи, шолғом, турп, кар-

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 29 мартдаги тегишли қарорига мувофиқ, вилоятимизда галладан бўшайдиган 112 минг 425 гектар майдонга такрорий экинлар экиш белгиланган эди. Жумладан, 23 минг 399 гектарга сабзавот, 14 минг 910 гектарга картошка, 649

тарига бақлажон, 6 минг 290 гектарига турли кўкатлар, 110 гектарига ширин жўхори экиш назарда тутилган.

Белгиланган режа бўйича 22 июль ҳолатига такрорий экин экиш 87 минг 749 гектар, яъни 78 фоиз майдонда ниҳояланган. Жумладан, 16 минг 874 гектарга саб-

ли экинлар, 17 минг 32 гектарга озука экинлари, 493 гектарга кунжут ва тарик экилган.

Президентимизнинг 2019 йил 15 мартдаги тегишли қарори билан қайта ташкил этилган Аграр саноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси томонидан аграр соҳада қонун устуворлиги-

ВАҚТИДА ЭККАН — НАҚДИНИ ОЛАДИ

Мамлакатимиз иқлим шароити ва ерларнинг унумдорлиги сабаб бошоқли дон экинлари йиғиштириб олинганча, улар ўрнида такрорий экинлар етиштириб, мўл ҳосил олиш имконияти мавжуд. Айтайлик, далалардаги галла 15-20 июнга-ча йиғиб олинса, ундан кейин тўрт ой, яъни 120-130 кун иссиқ ва ҳароратли мавсум давом этади.

Бугуннинг юмушлари

тошқа, оқбошли, қизилбош ва гулқарам ҳамда кечки қовун, тарвуз, қоқоқ, бодринг ва бошқаларни экиш мумкин.

Маълумки, жорий йилда вилоятимизда галла ўрими мавсуми катта уюшқоқлик билан, қисқа муддатларда яқунланди. Ишининг кўзини билган фермерлар ҳар бир кунни фанимат билиб, бўшаган ерларга турли хил экинларни жойлаштириб олишди. Ҳозир қайси туманга борманг, бу жараён ниҳоялаб қолганига гувоҳ бўласиз.

гектарга полиз, 50 минг 354 гектарга дуккакли, 22 минг 613 гектарга озуқабоп экинлар, шунингдек, 500 гектар майдонга кунжут ва тарик экиш режалаштирилган.

Сабзавот экиладиган 24 минг 399 гектар майдоннинг 1 минг 277 гектарига помидор, 2 минг 155 гектарига бодринг, 6 минг 389 гектарига сабзи, 3 минг 632 гектарига қарам, 1 минг 293 гектарига шолғом, 918 гектарига турп, 1 минг 938 гектарига мош, 71 гектарига булғор қалампир, 327 гек-



завот, 7 минг 916 гектарга картошка, 500 гектарга полиз экинлари, 45 минг 24 гектарга дукка-

ни таъминлаш билан бир қаторда кишлоқ хўжалигидаги барча жараёнларни доимий назорат қилиб

бориш йўлга қўйилган. Жумладан, инспекциянинг туман бўлиmlари томонидан такрорий экин экиш, ушбу вазифани ўз муддатида ва сифатли бажарилишини таъминлаш мақсадида кунлик мониторинг олиб борилмоқда. Хусусан, бошоқли дон ўрилган майдонларни сомондан тозалаш, шудгорлаш, такрорий экинларни жойлаштириш, экиш каби жараёнлар инспекция ходимлари томонидан доимий назорат қилинаётир. Агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли ўтказилиши юзасидан ҳам керакли тавсия ва кўрсатмалар берилмоқда.

Дарҳақиқат, такрорий экинлар вақтида экилиб, қарови маърумида бўлса, қўтилган ҳосилни беради. Бу эса аҳолини озиқ-овқат махсулотларига бўлган талабини тўла қондириш, бозорларда кишлоқ хўжалиги махсулотлари нархлари барқарорлигини таъминлаш, киш-баҳор ойлари учун етарли махсулотлар захирасини яратишга хизмат қилади. Қолаверса, бу кишлоқ меҳнаткашлари ва мулкдорлари учун мўмай даромад манбаи ҳамдир.

Шухрат ХУСЕНОВ,
Аграр саноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси вилоят бошқармаси бошлиғи

МЕҲРДАН МАМНУН ДИЛЛАР

Бўстонликлик Умид Маҳамидовнинг туғма ногиронлиги бор – юра олмади. Уйдагилар унинг кўнглини топиш учун барча чораларни кўришди. Лекин, баъзида ташқари олиб чиқиб, сайр қилдиришда қийинчиликка дуч келинарди. Кўни кеча Бўстонлик туманида "Вақф" хайрия жамоат фонди, туман ҳокимлиги ва Ногиронлар жамияти бўлини маси ҳамкорликда ўтказган тадбирда унга ва яна 19 нафар ногиронлиги бўлган шахсга аравачалар топширилди.

Ижтимоий ҲИМОЯ

– Ўғлим уйда ўтириб анча зериқарди, – дейди Умиднинг онаси кўзида ёш билан. – Энди фарзандимни ҳар кўни кўча айлантираман. Тоza ҳавода сайр қилиб, дили яйрайди. Одамлар билан мулоқот қилади. Бизга кўрсатилаётган бундай эътибор учун ташкилотчилардан жуда миннатдоримиз.

Тадбирда сўз олганлар барчани ақинлашиб келаётган Қурбон хайити билан кўтлаб, мамлакатимизда ижтимоий кўмакка муҳтож аҳоли қатламини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётганлигини таъкидлашди.

Шу кўни иштирокчиларга туман ҳокимлиги томонидан байрам дастурхони ёзилди. Иқтидорли ёш хонандаларнинг она Ватани, меҳроқибатни мадҳ этувчи куй-қўшиқлари йиғилганларга ҳушайфият улашди. Бундан ташқари, хайрия кечаси якунида 70 нафардан ортиқ эҳтиёжмандга ҳомийларнинг озик-овқат маҳсулотлари ва эсдалик совғалари тарқатилди.

Дарҳақиқат, бундай тадбирларнинг ташкил этилиши кўнгли ярим инсонларга бир оз бўлса-да қувонч улашиб, уларни жамиятга боғлаши билан аҳамиятлидир.

Ўз муҳбиримиз



Чиноз томонларда



ПОЛИКЛИНИКА ФЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

"Яхши ният" маҳалласида жойлашган 61-сонли қишлоқ оилавий поликлиникаси қайта реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди.

– Авваллари беморларни шароит йўқ хоналарда кўриқдан ўтказар эдик, – дейди муассаса мудир Эркин Утегенов. – Чироқ ўчаверганидан рентген аппаратлари ишламай қолса, беморлар жигибийрон бўлар, бу эса ишимизга салбий таъсир кўрсатар эди. Эндиликда тиббиёт ходимларининг ҳам, келган беморларнинг ҳам кўнгли тўқ. Ҳар бир хонада свет, газ, сув таъминоти узлуксиз. Қўшимча тиббий асбоб-ускуналар "Саломатлик – 3" дастури бўйича йил охиригача келтирилади. Бу билан ўн саккиз минг аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш имконимиз бутунлай яхшиланди.



Туманда "Саховат Юлдуз плюс" корхонаси иш бошлади. Унга Юлдуз Лутфуллаева раҳбарлик қилади.

ТАДБИРКОРНИНГ ҲИММАТИ



Тадбиркорнинг энг асосий мақсади қишлоқдошларини иш билан таъминлаш, қолаверса, ногиронлиги бўлган фуқароларга яқиндан кўмак беришдир. Корхона чеварчилик, қандолатчилик, шунингдек, қурилиш ашёлари тайёрлашга ихтисослашган бўлиб, бу ерда, асосан, ногиронлиги бор фуқаролар меҳнат қилишмоқда.

Сурайё АҲМЕДОВА

БОЛАЖОНЛАР ҚУВОНЧИ

«Чорвадор» маҳалласида 28-сонли мактабгача таълим масканининг очилиши бўлиб ўтди. 140 нафар болани қамраб оладиган бу масканда қисқа муддатли ва мажбурий таълим бўлимлари бор.

Яқинда бир маҳалладошимиз ўғлини дабдабали тўй қилиб уйлантирди. Шу йигит бир вақтлар университетга тўлов-шартнома асосида ўқишга кирганида, ота-она қўли калталигини пеш қилиб, уч йилда аранг ниятига етган ўғлини ўқитишдан бош тортганди...

Ўтган бир йил давомида оммавий ахборот воситалари тўй-ҳашамлардаги дабдабозликка чек қўйиш, уларни камчиқим ва тартибли ўтказиш ҳақида бонг урди. Телеканаллар кўнра кўрсатувлар намойиш этди. Олий Мажлис Сенати томонидан 2018 йилнинг 29 июнида "Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш тўғрисида" қарор қабул қилинди. Унда тўйларда иштирокчилар сонини камайтириш, айрим тўйолди ва тўйорти тадбирларини қисқартириш, бу борада маҳаллаларда кенг қўлмали тарғибот олиб бориш орқали дабдабозликларга чек қўйиш белгиланди.

Қарор қабул қилингач, барча ҳудудларда ҳокимликлар томонидан "намунали тўйлар" ташкиллаштирилди. У тўйларда кўпи билан икки юз эллик киши иштирок этди, ортиқча чиқимлар тўхтатилди. Хуллас, бу борада сезиларли ижобий ўзгаришлар кузатилаётган эди. Аммо...

Бу секин-секин вақтинчалик экан. Аста-секин ҳаммаси яна эски ҳолига қайтди. Ижтимоий тармоқларда тарқалаётган бир-биридан дабдабали тўйлару кўчаларни тўлдириб ўтаётган узундан-узук келин-куёв кортежлари сўзимиз исботи.

Никоҳдан олдин сўйқаладиганлар...

Интернет сайтидаги бир хабарда айтилишича, тўйи бўлаётган қиз куёв томон "Лимузин" юбормагани учун тўйни тўхтатибди. Қўйил-е! Бундай хабарларни ўқигач, наҳотки, шу даражага етиб келган бўлсак, бир парча темирни бутун бошли ҳаётдан устун қўяди.

ганлар эртага элнинг, юртнинг қон

ДАБДАБАБОЗЛИК – ИЛЛАТ.



рига ярайдиган фарзандларни вояга етказа олармикан, деб ўйлаб қоласан, киши.

Ижтимоий тармоқларда тарқалган яна бир томоша ҳусусида тўхталмасак бўлмас. Келин бўлмишнинг кўчасига иккита катта юк машинаси тўхтаб, улардан кўллаб со-зандалар тушиб, карнай-сурнай садо-ларини янграбти юборишди. Куй ҳамроҳлигида хорижий русумдаги машиналарда келган куёвнавқарлар келиннинг уйи олдида саф тортишди. Қолган дабдабозлик тўйхонада давом этди. Урф-одатга биноан, бошловчи тантанани очик деб эълон қилгач, миллий қолғу созларига навбат берилди. Ана шундан кейин ҳақиқий томоша бошланди. Дастлаб, келин-куёвнинг икки ой давомидаги "севги хиссиётлари" тўла-тўқис акс эттирилган суратлари намойиш қилинди.

Сўнг "Муҳаббат ҳикояси"га навбат берилди. Тушунишимизча, машҳур "Тўйлар муборак" фильмида "таъсирланган" келин-куёв айнан шу йўсинда фильм олдиришган экан. Табиийки, бош қаҳрамонлар келин ва куёв, тўйнинг авжида келин куёвга, куёв келинга бағишлаб қўшиқ қуйлади, қайнона-келин эса ўз ду-

тини куёвтурага армуғон қилди.

Очиғи, бундай томошалар кўпчилигининг гашини келтириши табиий. Никоҳ тўйида бир-бирига суйқалиб тушган сурат ва видеоларни ўзгаларга фахр билан намойиш қилаётган бундай ёшларни уятга бегоналар, десак хато бўлмас балки.

Сиз ҳам "ўргимчак тўри"дан дабдабали тўйларни бир излаб кўринг-а. Унда ҳар бир дўстининг табри-

сарф қилинатурғон оқчаларимизни биз, туронийлар, илм ва дин йўлига сарф этсак, анқариб оврупоийлардек тараққий этармиз ва ўзимиз-да, динимиз-да обрўй ва ривож топар. Йўқ, ҳозирги ҳолимизга давом этсак, дин ва дунёга эиллат ва мискинатдан бошқа на-сибамиз бўлмайди. Эй халқ! Эй мусулмонлар! Биз на учун Худо ва расулнинг сўзига, ўзимизнинг на-фимизга амал қилмаймиз? Биз

қачон эришамиз, бунинг вақти қачон келади, наҳотки, орадан асрлар ўтиб ҳам бунинг вақти келмаган бўлса?..

Қўшни давлатларнинг бирида тўйи бўлаётган келин-куёв ортиқча сарф-харажат ўрнига, кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига ўқув қурулларни олиб берибди. Ўз орзу-истакларидан кечиб, ночор болалар қалбини шодликка тўлдирган келин-куёвга тасанно! Бундай савобли ишни анчагача гапириб юришлари аниқ...

Бугун қанчадан-қанча оилалар ортиқча урф-одатларни деб қиз узата олмапти, ўғлини уйлантиролмапти. Неча минглаб бемор (айниқса, улар орасида болалар

қилиб, бир кўнлик тўйга сарфлагани ҳавога учганда, ота-она, икки ёш дардини кимга айтиди, бошини қайси деворга уради?

Бир кўнлик тўйга қилинган дабдаба инсонга бахт бера оламаслигини, "муҳаббат ҳикояси"ю истироҳат боғларида бирга қўл ушлашиб тушилган ажабтовур суратлар ҳеч нарсасга ярамаслигини қачон англаб етасиз? Ахир, тобора урфга кириб бораётган дабдабозлик намуналари ёшларни огирнинг устидан, енгилнинг остидан юришга ўргатаётганини, улардаги иббо-ҳаё, ғурур-андиша каби фазилатлар ўлиб бораётганини англашимиз учун яна қанча оилалар барбод бўлиши ёки неча юзлаб беғуноҳ болалар тирик етимга айланиши керак?

...Оқорида келтирганимиз – университетда ўқишга пул ажратилмаган йигитнинг ота-онаси ҳам ана шундай ўхшовсиз орзу-ҳавасилардан эди. Тўйни ўзлари хоҳлагандек дабдабали қилишди. Маросимда казо-казо санъаткорлар қатнашди. Энг сўнгги русумдаги ҳашамдор машиналар хизматга шай. Дастлаб, тўйхона остонасида икки ёшнинг тўйолди видеофильми намойиш этилди. Хуллас, висол оқшоми худди эртақлардагидек шохона ўтди. Аммо...

Ўғлини олий маълумотли қилиш ўрнига орзу-ҳавас кетидан қувган ота-она бугун боши берк қўчага қириб қолган. Тўйдан ярим йил ўтмасдан ёш келин-куёв ўртасига совуқчилик тушди. Бунинг сабаби куёв томоннинг дабдабали тўй қилиш оқибатида катта қарзга ботгани бўлди. Ота уйда тўқ ва эрка ўсган қиз буни кўтара олмади. Оилада тинимсиз жанжал. Охири келин аразлаб кетиб қолди. Эшитишимизча, ажралиш учун ҳам ариза берибди. Энг ачинарлиси, ўйламай қилинган дабдаба сабаб ҳақиқатан ҳам гудак етим бўлиб қолиш арафасида...

Кўзгу

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятига иқтисодий тараққиёт омили, фаровон ҳаёт манбаи сифатида қаралади. Шу боисдан, юртимизда узок йиллардан бери кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Айниқса, сўнгги йилларда Президентимиз раҳнамолигида тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, уларга қулай шароитлар ва кенг имтиёзлар жорий қилиш босида тизимли ишлар амалга оширилапти.

ИНСОФ САРИ БАРАКА

Афсуски, "гуруч курмасиз бўлмайди", деганларидек, қонунни четлаб ўтаётган "уддабурон" тадбиркорлар ҳам учраб турибди.

Вилоят давлат солиқ бошқармаси маълумотларига кўра, жорий йилнинг олти ойи давомида солиқ ходимлари томонидан олиб борилган назорат тадбирларида виллоят бўйича жами 770 нафар тадбиркор ноқонуний фаолият билан шуғулланаётгани ҳамда уларда 3 млрд. 694 млн. сўм қийматдаги товар моддий бойликлар мавжудлиги аниқланди.

Туманлар кесимида оладиган бўлсак, Зангиота туманида 39 та, Янгиёул шаҳрида 42 та, Бекобод шаҳрида 41 та ҳамда Бўка туманида 42 та ана шундай

ҳолат вужудга келган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўтказилган назорат тадбирлари давомида ҳеч қандай ҳужжатларсиз турли хилдаги маҳсулотлар ишлаб чиқараётган 46 та яширин цех фаолиятига чек қўйилди.

Шунингдек, 181 ҳолатда республика ҳудудига айланма йўллар орқали олиб қилинган 419,1 млн. сўм қийматдаги товар-моддий бойликлар билан савдо қилаётганлар ҳам аниқланди. Жумладан, 295 млн. сўм қийматдаги ноозиқ-овқат маҳсулотлари, 61,1 млн. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, 37,4 млн. сўмлик тамаки маҳсулотларининг ноқонуний савдосига барҳам берилди.

ЖАРИМА МАЙДОНЧАСИДА 157 ТА АВТОМОБИЛЬ

Виллоятимиз автомобил йўлларидаги махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш воситалари орқали жорий йилнинг ўтган даври мобайнида тезликни меъёридан ошириш ҳолати бўйича 79 минг 256 та қондабузарлик аниқланди.

Ҳозирда ушбу қондабузарлик юзасидан белгиланган жарималардан 20 минг 530 та транспорт воситаси эгаларининг манзилларига жарима қоғозлари етказилганига қарамай, жарималар қонунда белгиланган тартибда тўланмаган.

Кўни кеча виллоят йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ва Мажбурий ижро бюроси ходимлари жарималарни ўз вақтида ундириш мақсадида рейд ўтказишди. Унда "АУТО СОН" ускунаси ёрдамида махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш воситалари орқали аниқланган жаримани 60 кун муддат ичида тўламаган 157 нафар ҳайдовчининг транспорт воситаси жарима майдончаларига олинди.

Маълумот ўрнида шуни айтиш керакки, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 291-моддасига кўра, 60 кун ичида жарималарни тўламаслик, жарима тўлаунга қадар транспорт воситасини жарима майдонига қўйишга асос бўлади.

Зухриддин ҚАМБАРОВ

НАҲОТКИ, ИЛЛАТСЕВАРМИЗ?!

гидан сўнг бўлажак турмуш ўртоғидан даврадагилар кўз ўнгига бўса олаётган уяти йўқ куёвдан тортиб, куёвнавқарга ўндан ортиқ "Кран" русумли юк машинасини шарлар билан безаб келган олифта йигитларгача учратасиз.

Сўнгги пайларда тилга тушаётган мана шундай дабдабали тўйлардан кўриниб турибдики, тарғибот ва ташвиқотлар ўзини оқламаган. Дабдабозлик ва кимўзарлик жуда авжига чиққан...

Дабдабанинг давоси борми?

Ёши катталардан сўрасангиз, аксарияти турмуш ўртоғини чимилдиқда кўрганини айтишади. Чиндан ҳам шундай. Улар ҳаётнинг огир давларида елкадош яшаб, бир умр бахтли бўлишган. Ҳозиргиларга эса бу гаплар жуда жўн туюлади.

Тўғри, бу иллат кеча ёки бугун пайдо бўлгани йўқ. Бир аср аввал ҳам жадид боболаримиз тўй-маъракалардаги дабдабозликни қаттиқ танқид остига олганлар. Хусусан, маърифатпарвар аждоди-миз Маҳмудхўжа Бехбудий "Ойна" журналининг 1915 йилги 13-сонидан шундай ёзади: "Биз ўлик тўй учун ҳафталар, ҳатто, ойлар ила ишдан қолурмиз... Тўй ва таъзияга



девономи?"

Бу сўзлардан кўриниб турибдики, халқимиз бундан бир аср илгари ҳам дабдабага ўч бўлган. Бехбудий ҳазратлари айтганидек, оқчалар илм ва маърифатга сарфланганида эди, юртимиз узук йиллар мустамлака бўлмаган, бугун айрим-лар боқимандалик кайфиятида яшамаятган бўларди.

Буюк мутафаккирлардан яна бири агар қимми ном қозониш учунгина гавҳар сочаётган бўлса, ундан бахиллик яхшироқ, деган экан. Тўй борасида маданиятга

кўп)лар моддий имконияти йўқлиги сабабли дард билан курашиб ётибди. Кўллаб мактаб, боғча, шифохона, кўчаларнинг ахволи танг. Дабдабага сарфлаётган маблағларимизни шуларга йўналтирсак фойдаси минг чандон ортиқ бўлмасмикан?

Тўйга пул бор, ўқишга эса...

Халқимиз топанганига тўй қилади, фарзандига уй солади. Аммо, орамизда боласининг илм олиши, бирон-бир ҳунарнинг бошини тутиши учун пулини қизғанадиганлар ҳам бор.

Яхши ният билан узатган қизи ёки орзу-ҳавас билан уйлантирган ўғли ўзидан тиниб-тиниб кетса, хўп-хўп. Борди-ю бунинг акси бўлса-чи? Бутун умр йиққан-терганини бировга кўз-кўз

Ота-она бир кўнлик тўйга сочган пуллариини ўғлининг илм олишига сарфлаганда эди, балки бу кўнлар бошига тушмасмиди? Сиз нима дейсиз?

Гуломжон МИРАҲМЕДОВ,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг Тошкент вилояти бошқармаси томонидан ижро ҳужжатларига асосан мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотини аниқлаш мақсадида энг мақбул савдо ташкилотлари (юридик шахслар)ни очик танловда иштирок этиш учун таклиф этади

1. Умумий шартлар

Танлов ташкилотчиси Бюронинг Тошкент вилояти бошқармаси.

Танловнинг барча қатнашчиларига тенг танлов шартларини яратиш, ошқоралик, талабларнинг ягоналиги ва баҳо беришда ҳолислик танлов ўтказишнинг асосий тамойиллари ҳисобланади.

Очик танлов ижро ҳужжатлари асосида хатланиб, аукцион савдолари орқали ёхуд қонунчиликда белгиланган бошқа усулда сотилиши белгиланган мол-мулкка нисбатан татбиқ этилмайди.

Танлов ўтказишдан асосий мақсад ҳар бир туман-шаҳар бўйича ёки алоҳида турдаги мол-мулкларни сотиш бўйича энг мақбул савдо ташкилотларини аниқлашдан иборат.

Танлов ижро ҳужжатларига асосан мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотини аниқлаш мақсадида ташкил этилган танлов комиссияси (бундан буён матнда Комиссия деб юритилади) томонидан ўтказилади. Комиссия томонидан танловда қатнашиш учун топширилган ариза ва ҳужжатларни кўриб чиқиш Мажбурий ижро бюросининг Тошкент вилояти бошқармаси (Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Темур Малик кўчаси, 2-уй) 2019 йил 5 август кундан бошлаб ҳар кун соат 10.00 дан 18.00 га қадар амалга оширилади ва танлов натижалари бўйича ғолиблар аниқланади.

Жумладан, 2019 йил 16 сентябрь кун соат 10.00 дан 18.00 гача Ангрен, Олмалик, Охангарон, Нурафшон шаҳарлари, Охангарон, Ўртачирчиқ, Юкюриччиқ ва Паркент туманлари;

2019 йил 17 сентябрь кун соат 10.00 дан 18.00 гача Янгийўл, Бекобод шаҳарлари, Бекобод, Бўқа, Пискент, Куйичирчиқ, Окқўрғон, Чиноз ва Янгийўл туманлари;

2019 йил 18 сентябрь кун соат 10.00 дан 18.00 гача Чирчиқ шаҳри, Зангиота, Тошкент, Қибрай ва Бўстонлиқ туманлари бўйича танлов ўтказилиб, танлов натижаларига кўра ғолиблар аниқланади.

2. Танлов шартлари ва танлов ғолибларини аниқлаш мезонлари

Танловда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган, турғун савдо шаҳобчаси мавжуд юридик шахслар қатнашишлари мумкин.

Куйидаги юридик шахслар танловга қатнашишга қўйилмайдилар:

- қайта ташкил этиш, туғатиш ёки банкрот арасида бўлган;
- фаолият юритаётганига олти ой бўлмаган;
- охириги икки йил ичида ижро ҳужжатлари

ри асосида хатланган мол-мулкни сотиш юзасидан тузилган шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлиги сабабли шартнома бекор қилинган бўлса.

Танловда ғолиб чиқишнинг асосий мезонлари:

- истеъмолчи учун жойлашган жойининг қулайлигини (вилоят ва туман-шаҳар марказлари, бозорлар ва бошқаларга яқинлиги);

– мол-мулкларнинг сақланишини, туркумлини, сортларга ажратилишини ва бутланишини таъминловчи жойларнинг (ускуналарнинг) мавжудлиги;

- талабгорнинг ҳисобварағидаги мажбуриятлардан ҳоли бўлган пул маблағлари;
- талабгор томонидан танловга таклиф этилаётган транспорт ёки бошқа техника воситаси;

– кўрсатилган хизмат учун савдо чегирмасининг пастлиги.

3. Танловда иштирок этиш истагини билдирган савдо ташкилоти куйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- Комиссия номига ариза;
- давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;
- савдо ташкилоти таъсис ҳужжатларининг нусхаси;
- савдо дўконига бўлган мулк (ижара) ҳуқуқининг мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхаси;
- савдо дўконининг жойлашган жойи тўғрисида маълумот, унинг қисқача тавсифномаси ва 10х15 ўлчамдаги рангли фотосуратлари (жойнинг атроф кўриниши, умумий ташқи ва ички кўринишлари акс эттирилиши керак);
- мол-мулкларнинг сақланиши, туркумлини, сортларга ажратилиши ва бутланишини таъминловчи жойларнинг (ускуналарнинг) қисқача тавсифномаси, шунингдек, 10х15 ўлчамдаги рангли фотосуратлари (жойнинг умумий ташқи ва ички кўринишлари акс эттирилади);
- талабгорнинг мажбуриятлардан ҳоли пул маблағлари мавжудлиги тўғрисида банк маълумотномаси;
- талабгорта тегишли ҳамда ижро ҳужжати бўйича мол-мулкни сотишда иштирок

этиши мумкин бўлган техник соҳа ҳолатдаги транспорт ёки бошқа техника воситаларига оид ҳуқуқни белгилловчи ҳужжатлар нусхаси ҳамда уларнинг техник тавсифи;

– кўрсатилган хизмат учун савдо чегирмаси миқдори (10 фоиздан кўп бўлмаган);

– савдо ташкилотининг мол-мулклар реализация қилиш бўйича ҳисобини юритишга мўлжалланган махсус дастурий таъминотни ишлатиш мажбурияти.

Алоҳида турдаги фаолиятни амалга ошириш учун рухсатнома ёки лицензия талаб қилинган ҳолларда, уларнинг нусхаси ҳам тақдим этилади.

Талабгорлар мазкур Нисомда белгиланган баҳолаш мезонларини тасдиқлаш учун зарур бўлган бошқа қўшимча ҳужжатларни тақдим қилишлари мумкин.

Мазкур Нисомда кўрсатилган ҳужжатларнинг ҳақиқийлигига шубҳа туғилган тақдирда, танлов ўтказилиши

белгиланган кунда Комиссия томонидан мазкур ҳужжатларнинг асл нусхалари талаб қилиниши мумкин. Бунда тақдим этилган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги текширилади ва ҳужжатларнинг асли қайтариб берилади.

Савдо ташкилоти қайси ҳудудда фаолият юритаётган бўлса ёки танлов ўтказилаётган туманга (шаҳарга) яқин жойлашган бўлса, ушбу ҳудуд бўйича ўтказилаётган танловда иштирок этиш учун ҳужжатлар тақдим этиши мумкин.

Танловда иштирок этиш учун тақдим этилган ҳужжатлар Комиссиянинг ишчи органи томонидан қабул қилинади. Тақдим этилган ҳужжатларни қабул қилишни рад этиш тақиқланади, мазкур Нисомнинг 14-бандида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

Аризага талабгор томонидан тақдим этилган ҳужжатларнинг рўйхати имзо (муҳр)ланган ҳолда илова қилинади.

4. Талабгорлар томонидан тақдим қилинган ариза ва ҳужжатларни қабул қилиш тартиби

Ариза ва ҳужжатлар Мажбурий ижро бюроси Тошкент вилояти бошқармаси биносидан (Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Темур Малик кўчаси, 2-уй. Тел.: (71) 263-53-07, (71) 263-50-65) Комиссия ишчи органи – Бюронинг Тошкент вилояти бошқармаси суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш бўлими томонидан 2019 йил 5 сентябрь кунига қадар қабул қилинади.

Аризага илова қилинган ҳужжатлар шахсан, курьер ёки алоқа бўлими орқали ёпилган (муҳрланган) конверт билан ушбу эълонда кўрсатилган манзил бўйича "Ижро ҳужжатларига асосан мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотини аниқлаш мақсадида ташкил этилган танлов комиссияси"га деган ёзув билан тақдим қилиниши керак.

Алоқа бўлими орқали юборилган ҳужжатлар ишчи орган уларни рўйхатдан ўтказган кундан бошлаб келиб тушган ҳисобланади.

Белгиланган муддатда тақдим этилмаган ёки мазкур эълоннинг 2-банди 2-хатбошида назарда тутилган ҳолатлардан ташқари, танловга тақдим этилган ҳужжатлар қайтарилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг Тошкент вилояти бошқармаси танлов ўтказиш комиссияси.

"Тошкент вилояти ҳудудий электр тармоқлари корхонаси" АЖ маълум қилади:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 июлда "Ёқилғи-энергетика ресурсларининг нархлари ва тарифларини ўзгартириш тўғрисида"ги 633-сонли қарори қабул қилинди.

Унга мувофиқ, 2019 йил 15 августдан бошлаб электр энергияси учун тариф гуруҳлари бўйича янги нархлар куйидагича белгиланди:

Т/р	Номи	Ўлчов бирлиги	1 ўлчов бирлиги учун нархлар ва тарифлар (ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда сўм)
1.	Истеъмолчиларнинг I-IV гуруҳлари учун электр энергияси		
1.1.	Истеъмолчиларнинг I ва II гуруҳлари учун	кВт/соат	450
1.2.	Истеъмолчиларнинг III гуруҳи, шу жумладан, аҳоли учун	кВт/соат	295
1.3.	Истеъмолчиларнинг IV гуруҳи учун	кВт/соат	450
1.4.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 ноябрдаги ПҚ-3379-сонли қарори билан тасдиқланган рўйхат бўйича маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун	кВт/соат	450

ТАБИЙ ГАЗДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ АҲОЛИ ВА УЛГҲУРЖИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2019 йил 30 июлда "Ёқилғи-энергетика ресурсларининг нархлари ва тарифларини ўзгартириш тўғрисида"ги 633-сонли қарор эълон қилинди.

Унга мувофиқ, молиявий интизомни мустаҳкамлаш ва ёқилғи-энергетика комплекси корхоналарининг мувоzanатли ривожланишини таъминлаш, шунингдек, энергия ресурслари ва нефть маҳсулотлари учун ўзаро ҳисоб-китоблар

таъминини янада такомиллаштириш мақсадида 2019 йил 15 августдан бошлаб, ёқилғи-энергетика ресурсларининг нархлари ва тарифларига ўзгартириш киритилганини маълум қиламиз.

Т/р	Номи	Ўлчов бирлиги	1 ўлчов бирлиги учун нархлар ва тарифлар (ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда сўм)
1.	Куйидагиларга бериладиган табиий газ:		
1.1.	Коммунал-маиший эҳтиёжлар учун аҳолига, идоравий ва муниципал тураржой фондига, юридик шахсларнинг ётоқхоналарига ва аҳолининг газ таъминоти учун табиий газдан фойдаланиладиган хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига ва иссиқ сув таъминоти ва тураржой биноларини иситиш учун – маҳаллий қозонхоналарга, газни ҳисобга олиш приборлари мавжуд бўлганда	куб.м.	380
1.2.	Табиий газни ҳисобга олиш приборлари мавжуд бўлмаганда коммунал-маиший эҳтиёжлар учун аҳолига:		
	овқат тайёрлаш ва иссиқ сув таъминоти учун иситиш учун	куб.м. куб.м.	660 380
1.3.	автомобилларга газ тўлдириш компрессор станциялари бўлган юридик шахсларга	куб.м.	1 000
1.4.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 ноябрдаги ПҚ-3379-сонли қарори билан тасдиқланган рўйхат бўйича маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчиларга	куб.м.	1 000
1.5.	бошқа улгүржи истеъмолчиларга	куб.м.	660
2.	Маиший эҳтиёжлар учун аҳолига сотиладиган суулотирилган газ	кг.	1 120

Ушбу қарор кунга киргунга қадар электр энергияси (шу жумладан, актив, реактив энергия учун) ва табиий газ ҳажмлари учун тўлов аванс билан тўланган тақдирда, маиший истеъмолчилар (аҳоли) тўлов тўланган кундан бошлаб кейинги 6 ойдан ортиқ бўлмаган муддатда тариф ўзгарганда қўшимча тўловлар тўлашдан озод қилинади.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ «СУВОҚОВА» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ МУТАХАССИСЛАРНИ КУЙИДАГИ БЎШ ИШ ЎРИНЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

1. Бош ҳисобчи;
2. Ишлаб чиқариш техника бўлими бошлиғи;
3. Муҳандис-технолог;
4. Энергетик;
5. Меҳнат муҳофазаси муҳандиси;
6. Эксплуатация бўлими бошлиғи;
7. Муҳандис (сув таъминоти ва канализация);
8. Муҳандис-қурувчи;
9. Ахборот ва технологиялар бўйича мутахассис;
10. Сув сотиш бўлими мутахассиси;
11. Техник назорат бўйича муҳандис-қурувчи.

Манзил: Қибрай тумани, У. Юсупов кўчаси, 1-уй.
Мўлжал: "Умид гулшани" санаторийси.

КОРХОНА, МУАССАСАЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

(Ангрен ва Чирчиқ шаҳарларидан ташқари)

Тошкент вилояти "Иссиқлик манбаи" ишлаб чиқариш бошқармаси маълум қилади:

Тошкент вилояти Молия бошқармасининг № ТВ-08-11-3-2019/1-сонли реестрига асосан:

2019 йил 15 августдан бошлаб, етказиб берилган иссиқлик энергиясининг нархи:

а) коммунал-хўжалик, ишлаб-чиқариш корхоналари ва бюджет ташкилотларига 1 Гкал учун – 125 190,00 сўм миқдоридан. (ҚҚСсиз)

б) аҳоли учун:
– марказий иситиш бир кв.м. яшаш майдони учун ойига – 1 387,00 сўм.
– иссиқ сув бир киши учун ойига – 15 595,00 сўм.

в) иссиқ сув ўлчачилари бўйича:
– иссиқ сувдан меъёрий фойдаланиш бир куб м. – 3 993,00 сўм.

"Тошкент ҳақиқати"нинг навбатдаги сони 10 август, шанба кун чоп этилади.

"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи - 205. Босишга топшириш вақти - 21.00. Босишга топширилди - 22.45.